


Аллоҳдан қўрқинг!



16:31 / 24.10.2018 3296

Бир куни Фахри коинот пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламдан сўрадилар:

– Жаннатга кириш учун кўпроқ қайси амалда бардавом бўлиш керак?

Расуллуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилдилар:

– Аллоҳга тақво қилиш ва гўзал ахлоқ!

Бухоройй, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Бу ерда Набий алайҳиссалом Аллоҳ ва бандаларининг ҳаққини баробар келтирадилар. Аллоҳнинг бандалари устидаги ҳақи Ундан қўрқиш ҳамда ҳалол ва ҳаром ўлчовларига риоя қилишдир. Тақво – барча пайғамбарларнинг умматларидан талаб қилинган муҳим хислат.

Жаноби Ҳақ Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: **«Сиздан аввалгиларга айтилганидек, сизларга ҳам “Аллоҳдан қўрқинг!” дея буюрдик!»** (Нисо, 131).

Ҳақиқий тақво – банда билан ҳаром ва тийилиши лозим бўлган ишлар орасида қалқон каби бўлади. Банданинг Аллоҳга тақвоси – ўзи ва Роббисининг ғазаби ҳамда жазоси орасига тўсиқ қўйиш учун ҳаракатидир.

Бу тўсиқ эса Ҳақ Таоло буюрган ишларни бажариш ва Унга қарши исён саналадигани ишлардан тийилишдир. Инсон дунё ҳаётининг ўткинчи, умр қисқа ва охиради диёрининг абадийлигини руҳига сингдира олса, тақводор бўлиши осонлашади. Банда бутун борлиғи билан Роббисига таслим бўлса, тақво ҳаёт тарзига айланади. Тақвосиз, Аллоҳга муҳаббат ва Ундан қўрқувсиз ҳаёт кечиришни тасаввур қилолмайди. Бу Ҳақ таолога бўлган ихлоснинг баракоти, Илоҳий ишқ самараси ва Ундан бандага келган гўзал ҳадядир.

Роббимиз шундай марҳамат қилади: **“Аллоҳдан қўрқинг, зеро бир кун ҳузурига қайтасиз!”** (Моида, 96).

“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқинг! Ҳаммангиз эртангиз учун нима қилганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинг, чунки Аллоҳ барча ишингиздан хабардордир!” (Ҳашр, 18)

Мукаммал тақво қуйидагилардан иборат:

- * Фарзларни ўз вақтида мукаммал адо этиш.
- * Ҳаром ва шубҳаларни тарк қилиш.
- * Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиш.
- * Макруҳлардан тийилиш.

Мана шу тўрт ҳолатга риоя қилинган ҳаёт тарзи тақвонинг асл мартабасидир.

Ансорлардан Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу шундай деганлар: “Қиёмат кунда мутаққийлар (тақводорлар) қаерда? деб сўралади. Улар тўғридан-тўғри Аллоҳнинг ҳимоясида бўладилар”. Утирганлар Муоз ибн Жабалдан:

– Мутаққийлар кимлар? – дея сўрадилар.

– Мутаққийлар – ширкдан, бут-санамларга сиғинишдан тийилган, ибодатини чин ихлос билан фақат Аллоҳ учун бажарганлардир, – дея жавоб бердилар у зот.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилинади: “Тақводорлар нафсоний орзуларини тарк этиб, Аллоҳнинг азобидан қўрққан, Аллоҳдан келганларни тасдиқлаган, Унинг раҳматидан умидвор бўлганлардир”.

Умар ибн Абдулазиз розияллоху анху ҳам шундай деганлар: “Тақво кундузи рўза тутиб, тунлари ибодатда қоим бўлиш ва улардан бошқа ҳар қандай ишга қўл уриш эмас. Аллоҳ таолога ҳақиқий тақвода бўлиш Аллоҳ ҳаром қилган барча ишлардан тийилиш, фарзларни ўрнига қўйиш демакдир. Булардан ташқари, Аллоҳ Таоло бир бандасига бошқа хайрларни ҳам берса, у энди хайр устига хайр бўлади”.

Олим саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху **“Эй, имон келтирганлар, Аллоҳдан муносиб тарзда қўрқинг!”** (Оли Имрон, 102) оятини шундай изоҳлаганлар:

- Аллоҳдан қўрқиш - тақво қилиш, итоат этиб, исён қилмаслик, ҳар лаҳза Уни эслаш, берган неъматларининг шукрини адо этиб, ношукрлик қилмасликдир.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан бир киши тақво ҳақида сўраганида шундай деганлар:

- Сен бирор марта тиконзор йўлдан ўтганмисан?

- Ҳа, - дея жавоб қилади сўровчи.

- Қандай кечиб ўтдинг?

- Йўлимдан тикон чиқса эҳтиёт бўлиб айланиб ўтдим ёки устидан сакраб, йўлимда давом этдим.

- Тақво ҳам айнан шундай, - дедилар сўровчига Абу Ҳурайра розияллоху анху.

Ибн-ул Муътоз розияллоху анху ҳам бир шеърида тақвони Абу Ҳурайра таъкидлаганларидек таърифлайди. “Катта-кичик гуноҳлардан тийил, ана шу тақво бўлади”. Тиконзорда юргандек яша дунёда. Йўлингда учраган гуноҳ тиконларидан эҳтиёт бўл. “Тикон майда бўлса-да, уни кичик кўрма. Улкан тоғлар ҳам тошлардан бунёд бўлади”.

Ҳақ таоло бандаларига тақвони буюрганидек, Расулуллоҳ соллоллоху алайҳи васаллам ҳам умматларига мукаммал тақвода бўлишни таъкидлаганлар. Ҳадиси шарифда севиқли пайғамбаримиз Набий соллоллоху алайҳи васаллам қўшинга қўмондон тайинлаётганларида, унинг Аллоҳга тақвоси ва мусулмонларга гўзал муомалада бўлишига аҳамият берганлар.

Тақво махфий ҳолатларда ҳам Аллоҳдан ҳаё қилишга сабаб бўлгувчи туйғудир. Тақводор киши қаерда бўлишидан қатъи назар, Аллоҳ ҳар ишини кўраётганини, қалби ва амалидан, барча ошкору махфий ишларидан воқиф эканини ҳис қилиб яшайди. Бу ҳақиқат ёлғиз қолганида ҳам бир лаҳза хаёлидан фаромуш бўлмаса, махфий ҳолатларда ҳам гуноҳга қўл уришдан тийилади.

Муборак ал-Ҳусайний